


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: info@xs.uz ● 2012 йил 27 сентябрь, № 191 (5611) Пайшанба


*Тошкентда 17-18 октябрь кунлари VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтади.*

## Ўзбек пахта толасининг довруғи

Халқаро пахта бозорининг асосий иштирокчиларидан бири сифатида тан олинган Ўзбекистон дунё пахта ва тўқимачилик саноати мутахассислари, олимлар, йирик савдо компаниялари вакиллари ва трейдерларни яна Тошкентга чорламоқда. Улар икки кунлик ярмарка давомида республикамиз пахта ва тўқимачилик саноати, юртимиз пахтачилик тармоғини ривожлантириш стратегияси билан яқиндан танишибгина қолмай, балки давра суҳбатлари ва савдо биржаларида иштирок этиб, ўзбек толаси ҳамда тўқимачилик маҳсулотларини воситачиларсиз, тўғридан-тўғри сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш имкониятига эга бўладилар. Шу боис мазкур тадбирнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб, дунёнинг турли мамлакатларидаги кўплаб бизнес тузилмалари эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Бу Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан илк бор 2005 йилда ташкил этилган ушбу ярмарка ўтган қисқа давр ичида, чин маънода, ўзбек пахтасининг нуфузли бозорига айланганидан далолатдир.

Дастлабки маълумотларга қараганда, саккизинчи бор уюштирилаётган бу йилги пахта ва тўқимачилик форумида жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларидан хорижий иштирокчилар ташриф буюриши кутилаяпти. Улар орасида, жумладан, АҚШ, Хитой, Россия, Европа Иттифоқи давлатлари, Япония, Ҳиндистон, Бангладеш, Жанубий Корея, МДҲ, Яқин Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақаси, Африка мамлакатлари бор. Шу билан бирга, тадбирда Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси, “Cotton Outlook” агентлиги вакиллари ҳам қатнашиши кутилмоқда.

Таҳлилларга қараганда, ўзбек пахта толасига бўлган талаб йил сайин ошиб бораяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки заминимизда етиштирилган “оқ олтин” дунё стандартларига тўла мос келади. Оппоқ ранги, толасининг узунлиги ва пишиқлиги билан жаҳон тўқимачиларининг назарига тушган. Бунга Юртбошимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш тизими тубдан такомиллаштирилиб, соҳага илм-фан ютуқлари, илғор инновациялар жорий қилиниши туфайли эришилди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Дарҳақиқат, бугун далаларда селекциячи олимларимиз томонидан яратилган тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, энг муҳими, юқори сифатли ҳосил берадиган ғўза навлари такомиллаштирилган технологиялар асосида парваришланмоқда. Бундан ташқари, хом ашёни қайта ишлаш тизимига замонавий технологик линиялар жалб этилгани, толани халқаро стандартларга мувофиқ сертификатлашнинг янги HVI тизими жорий қилингани, маҳсулотни сифатли сақлаш ва етказиб бериш хизматларини ўзида мужассамлаштирган минтақавий пахта терминаллари тарзидаги савдонинг замонавий инфратузилмаси яратилгани муваффақиятларнинг бош омили бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Илғор технологиялар намойиши



*Шу кунларда мамлакатимизда бўлиб ўтаётган Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталигининг муҳим тадбирларидан бири — “ICTExpo — 2012” миллий кўргазмаси барчада катта қизиқиш уйғотмоқда. У бир пайтнинг ўзида Тошкент, Навоий ва Термиз шаҳарларида онлайн тарзида ташкил этилди.*

### «InfoCom — 2012»

Пойтахтимизнинг “Ўзкўргазмасавдо” мажмуасида ўтказилаётган видеокўприк эса бу ерга ташриф буюрувчилар учун беқиёс қулайлик яратаяпти.

Шунингдек, кўргазмада Австрия, Хитой, Жанубий Корея, Украина, Венгрия, Германия, Россия сингари давлатларнинг 150 дан зиёд етакчи компаниялари ҳам иштирок этаётгани бу тадбирнинг тизим ривожи учун қанчалик муҳим аҳамиятга эгалигидан далолат беради.

Миллий кўргазмада намойиш қилинаётган маҳсулотлар билан яқиндан танишган киши кейинги йилларда юртимиз ва дунё ахборот-коммуникация технологиялари бозори жадал тараққий этаётганига яна бир карра ишонч ҳосил қилади. Чунки бу ердаги ҳар бир ускуна ва технология жаҳон бозорининг ушбу соҳада қўлга киритилган энг сўнгги ютуқларидир. Зотан, бугун интернет тизими, компьютерлар, мобиль алоқа воситалари ҳаётимизга чуқур кириб бормоқдаки, улардаги ҳар қандай ўзгариш ёки янгилик барчанинг эътиборини тортмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самараларининг халқаро эътирофи

*Яқинда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро конференция дастуридан ўрин олган турли тадбирлар мазкур форумни янада бойитиб, кутилган натижаларни берди. Унда дунёнинг 45 дан ортиқ мамлакатларидан ташриф буюрган 250 нафардан зиёд иштирокчилар юртимизда барқарор иқтисодиётни шакллантириш ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим бўғини сифатида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни юксалтириш борасидаги тажрибани атрофлича ўрганиб, соҳада қўлга киритилаётган муваффақиятлар билан яқиндан танишгани шундай дейишимизга асос бўла олади.*

*Қуйида улардан айримларининг фикрлари билан танишасиз.*

### Дунё нигоҳи

**Вильям КАППЕЛЛЕТТИ, “Open Steppe Capital Partners LLC” консалтинг компанияси президенти (АҚШ):**

— “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро анжуманда иштирок этиб, Президент Ислом Каримов жуда кучли иқтисодчи, узоқни кўра оладиган доно давлат раҳбари ҳамда билимдон сиёсатчи эканига яна бир карра амин бўлдим. Юртбошингизнинг конференциядаги кенг қамровли нутқи бизга бугун халқаро миқёсда алоҳида эътироф этилаётган, катта қизиқиш билан ўрганилаётган “Ўзбек модели”нинг мазмун-моҳияти, ўзига хос жиҳатлари хусусида атрофлича маълумотга эга бўлиш имконини берди.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани таҳсинга сазовор. Мазкур сиёсат бизнес вакилларини доимий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, улар учун кенг имтиёз ҳамда шароитларни яратиб бериш каби амалий саъй-ҳаракатларда ўз ифодасини намоён этмоқда. Ушбу сектор ички бозорни зарур товарлар, хизматлар билан тўлдириш, иқтисодиётдаги барқарорликни таъминлаш, энг муҳими, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг муҳим воситасига айлангани бунинг исботидир.

Президент Ислом Каримов жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва салбий оқибатларига йирик корхоналарга нисбатан ушбу соҳанинг бардош бера олиш қобилияти анча юқоридир, деган фикрни илгари суриб, уни аниқ мисоллар асосида очиб берди. Масалан, Ўзбекистон саноатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғининг ўсиш суръатлари 2008 — 2009 йилларда ўртача 23-24 фоизни, хизматлар ва сервис соҳасининг ўсиш суръатлари эса 15-16 фоиздан кам бўлмаган кўрсаткични ташкил этибди. Мамлакат танлаган йўл нақадар тўғри ва ишончли эканини мана шу рақамлардан ҳам англаш мумкин.

**Автар СИНГИХ, “Business Central Asia” журнали бош муҳаррири (Ҳиндистон):**

— Бизнинг журналимиз бевосита Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти, унда кузатилаётган ўзгаришларни ёритишга ихтисослаштирилган. Кейинги пайтда нашримизда Ўзбекистон ҳақидаги материалларга кўпроқ жой ажратаяпмиз. Сабаби, мамлакатингиз минтақада ижтимоий-иқтисодий соҳаларда жадал суръатларда барқарор ривожланаётган давлатдир.

(Давоми 2-бетда).

# Тадбиркорлик ривожининг муҳим омили

*Маълумки, яқинда мамлакатимиз парламенти томонидан қабул қилинган “Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Президентимиз томонидан имзоланиб, матбуотда эълон қилинди.*

### Қонун кучга кирди

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида тадбиркорликни ривожлантиришга, кичик бизнес фаолиятининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга устувор йўналиш сифатида эътибор бериб келинмоқда. Юртимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб иқтисодиётнинг ушбу тармоғини жадал ривожлантиришга катта аҳамият берилгани ҳали-ҳануз давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ўта ўткир муаммоларини ҳал этишда энг муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Буни яқинда Тошкентда ташкил этилган “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро конференцияда дунёдаги нуфузли ташкилотлар ва экспертлар, молия муассасалари вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳам тасдиқлайди.

(Давоми 2-бетда).

### Изланиш

*Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий www.soliq.uz сайти “Миллий UZ домени — 2012” интернет-фестивалининг “Давлат бошқаруви органи соҳасидаги энг яхши сайт” номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади.*

# WWW.SOLIQ.UZ – ЭНГ ЯХШИ САЙТ

Ғолибларни тақдирлаш маросими пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистонда ўтказилаётган Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ҳафталиги (“InfoCom — 2012”) доирасида бўлиб ўтди.

Шуни таъкидлаш кераккки, ҳайъат аъзолари иштирокчиларни саралашга жуда юқори мезонлар билан ёндашди. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, фестивалга тақдим этилган 1000 дан ортиқ талабномадан фақат 541 сайт танлов дастурига киритилди. Улар ўзининг дизайни, фойдаланувчилар учун яратилган қулайлиги ва интерфаоллиги каби мезонларга жавоб бериши керак эди. Веб-сайтнинг мазмуни (контент), унинг функционаллигини оширадиган турли технологиялар, шу жумладан, ўзи ишлаб чиққан иш усулларидан фойдаланганлик жиҳатлари ҳам эътиборга олинди. Бунда ҳайъат сайтларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, контентга баҳо бериш учун тор доирадаги мутахассисларни жалб этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди.

www.soliq.uz сайтининг муваффақияти ва оммабоплиги нимада, деган саволга Давлат солиқ қўмитасининг Ахборот хизмати раҳбари Комил Алламжонов шундай деб жавоб берди:

— Аввало, сайтни яратишдан олдин биз ушбу соҳадаги халқаро тажрибаларни ўрганиб чиқиб, солиқ тўловчилар учун энг илғор ва энг қулай жиҳатларни ўзида мужассам этган йўлни танладик.

(Давоми 2-бетда).

## «Коллеж — корхона» тизими — амалда

Бир рақам шарҳи

Мамлакатимизда жорий йилнинг ўтган даврида “коллеж — корхона” тизими бўйича касб-ҳунар коллежларининг

**501,5** минг нафар битирувчиси корхона ва ташкилотларга бириктирилди.

***2011/2012 ўқув йилида коллежларни тамомлаган битирувчилар бандлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар доирасидаги бу саъй-ҳаракатлар ўқувчиларни ишлаб чиқариш амалиётини ўташ, кейинчалик аниқ корхона ва ташкилотларда ишга жойлаштириш имконини бераётгани диққатга сазовордир.***

## Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Бухоро

*Шаҳар кўчаларида турли йўналишлар бўйича қатнаётган автобуслар сони бир йўла 40 тага кўпайди.*

## Шаҳар бўйлаб янги йўналишлар

Гап шундаки, “2533-сонли автожамланма” давлат унитар корхонаси банк кредити эвазига “Исузу” русумли замонавий автотранспорт воситаларини харид қилди.

— Самарқандда ишлаб чиқарилаётган мазкур автобуслар ихчам ва қулайлиги билан бизга манзур, — дейди йўловчи Абдуҳалим Примов. — Янги йўналишлар бўйича мунтазам қатновларнинг йўлга қўйилиши эса нафақат ҳудуд аҳолиси, балки шаҳримиз меҳмонлари учун ҳам қўшимча қулайлик яратди.

Айтиш жоизки, автожамланма жамоаси аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида жорий йил охирига қадар яна 60 та шундай автобус харид қилишни режалаштирган.

**И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Фарғона

*Қувасойдаги энг чекка қишлоқлардан бири — Кокилон қир-адирлари цемент хом ашёсига бой ҳудуд ҳисобланади.*

## Кокилон цементи

Тадбиркор Мухсинжон Меҳмонов шуни ҳисобга олиб бу ерда цемент ишлаб чиқарувчи корхона ташкил қилди. Ҳозир 260 киши меҳнат қилаётган мазкур заводда кунига 200 тоннагача юқори сифатли қурилиш ашёси тайёрланмоқда. Корхона тўла қувватга эришгач, бу кўрсаткич икки баробарга ортади.

**Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Сурхондарё

*Пишиқчилик мавсумида етиштирилган замин неъматларини қишга жамғариш айни пайтдаги долзарб юмуш ҳисобланади.*

## Ёз неъматлари сифатли сақланади

Шу боис жойларда йирик сиғимдаги музлаткичлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сариосиё туманидаги “Олмалиқ ТКМ” корхонасида ҳам ана шундай замонавий омборхона қурилиб, ишга туширилди. 600 миллион сўмлик маблағ эвазига бунёд этилган мазкур мажмуада бир пайтнинг ўзида 500 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли сақлаш имконияти мавжуд.

**Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самараларининг халқаро эътирофи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Экспертлар қўлга киритилаётган ютуқларни Президент Ислом Каримов томонидан пухта ўйланган ҳаётий дастурларнинг амалиётга жорий қилинаётгани, айниқса, кичик бизнес учун давлат томонидан барча шарт-шароит яратиб берилаётгани билан изоҳлашмоқда. Халқаро конференция сабаб юртингизга келиб, тадбиркорлар фаолияти билан танишгач, бунга ўзим ишонч ҳосил қилдим. Мисол учун, кичик корхоналар учун солиқ ва божхона тўловларида кўплаб имтиёзлар қўлланилаётгани натижасида тежалган маблағлар ишлаб чиқаришни модернизациялашга сарфланаяпти.

Анжуман дастури жуда ранг-баранглиги ҳар бир иштирокчига юртингиз ҳақида батафсил маълумот олиш имконини берди. Шу боис мен иқтисодий форум тадбирларини мунтазам ёритишга эришдим. Айни пайтда Ўзбекистон иқтисодиёти ҳақида таҳлилий мақола ёзаяпман. Бунда Президент Ислом Каримовнинг конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Маърузадаги хусусий секторни имтиёзли шартларда молиялаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар эътиборимни тортди. Бу борадаги айрим рақамларни ҳам ўзим учун қайд этиб қўйдим: 2011 йил якунларига кўра, ушбу тармоқни ривожлантириш ва рағбатлантиришга банклар томонидан 2,5 миллиард долларга тенг қийматдаги кредитлар ажратилган. Бунда халқаро молия институтларининг кредит линияларидан ҳам мақсадли фойдаланилгани диққатга сазовор.

Шунингдек, айрим чет эллик мутахассислар билан суҳбатлашиб, Ўзбекистон ҳақидаги фикрларини олдим. Уларнинг таъкидлашича, ривожланишнинг "Ўзбек модели" ижтимоий-иқтисодий юксалишда ҳал қилувчи аҳамият касб этаяпти.

**Фернандо Диего Мартинез КАНО, Альмерия шаҳар Савдо-саноат палатаси президенти (Испания):**

— Аввало, халқаро конференция жуда юксак савияда ташкил қилинганини таъкидламоқчиман. Айниқса, унинг очилишида Президент Ислом Каримовнинг иштирок этгани ва нутқ сўзлагани анжуман нуфузини янада оширди.

Бугун Ўзбекистон дунёдаги энг барқарор ривожланаётган давлатлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Ўзига хос миллий тараққиёт йўлидан келажак сари дадил қадам ташлаётган мамлакатингиз давлат раҳбарининг оқилона сиёсати туфайли ҳар бир соҳада, жумладан, иқтисодиётнинг турли тармоқларида улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларни олайлик. Президент Ислом Каримов қайд этганидек, мустаҳкам қонунчилик ва ҳуқуқий база шакллантирилгани ва мунтазам такомиллаштириб борилаётгани, бизнес учун имтиёз ва преференциялар берилаётгани, ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш масалаларида давлат томонидан тизимли равишда ёрдам кўрсатилаётгани ютуқларнинг муҳим омили бўлмоқда. Ташкилий жиҳатдан жуда катта куч ва маблағ талаб этадиган бундай жараёнлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам изчил давом эттирилаётгани таҳсинга лойиқ. Чунки ҳозир, ҳатто, ривожланган давлатлар ҳам бюджет тақчиллиги, ташқи қарзлар миқдорининг юқорилиги туфайли бирор бир лойиҳани амалга оширишга имкон топа олмаяпти.

Тадбиркорлик янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг энг қулай ҳамда самарали воситаси эканига Ўзбекистон тажрибаси ёрқин мисол бўла олади. Бир эътибор беринг-а, мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиёти 3,7 баробар, аҳолисининг реал даромадлари жон бошига 7 баробар, ойлик иш ҳақи эса 18 баробарга ошгани, чиндан ҳам, ҳавас қилса, ўрнак олса арзийдиган кўрсаткичдир.

**Питер ОЛДЕНКАМП, "Dubex" компанияси директори (Нидерландия):**

— Президент Ислом Каримовнинг маърузасини диққат билан тингладим. Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асоси, мазмун-моҳияти ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлдим.

Ўзбекистон ривожланишнинг энг тўғри ва самарали йўлини танлаган. Жумладан, хусусий секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсат ва бу борада ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминламоқда.

Чунончи, солиқ соҳасидаги жараёнларни олиб кўрайлик. Биласиз, жуда кўп давлатлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида солиқ ставкаларини оширишни маъқул, деб билди. Аммо амалда бу чора-тадбир ўзини оқлагани йўқ. Ўзбекистонда эса инқирозга қарши дастурлар доирасида солиқ ставкалари нафақат оширилмаган, балки, аксинча, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси камайтирилган. Харидоргир бўлган истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар 5-7 йилга солиқ тўловидан, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилайдиган, модернизация қиладиган корхоналар эса божхона тўловларидан бутунлай озод қилинган. Мана, сизга иқтисодиётни ривожлантиришнинг самарали ва ҳаётий йўли!

Барқарор ривожланаётган, қулай ишбилармонлик муҳити яратилган Ўзбекистон бундан кейин ҳам хорижий инвесторлар учун энг ишончли мамлакат бўлиб қолаверади.

**«Халқ сўзи» мухбири Шавкат ОРТИҚОВ ёзиб олди.**

# Тадбиркорлик ривожининг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, Юртбошимиз мазкур конференциядаги нутқида алоҳида таъкидлаганидек, бизнеснинг эркин фаолият кўрсатишининг асосий мажбурий шартларидан бири, биринчи навбатда, тадбиркорлик эркинлигининг кучли ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш, уларни сўзда эмас, амалда бажариш, давлат, ҳуқуқ-тартибот, назорат органлари ва тузилмалари томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларга чек қўйиш ҳисобланади. Шу маънода айтганда, тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат органлари билан ўзаро қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, қонунчилигимизда шу пайтга қадар қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлса-да, бироқ улар фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун мансабдор ва бошқа шахсларнинг маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлиги назарда тутилмаган эди. Бу борадаги хорижий тажриба шуни кўрсатдики, бир қатор мамлакатлар қонунчилигида нафақат тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун, балки тадбиркорлик фаолиятига мансабдор шахсларнинг ноқонуний аралашганлиги учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган.

муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонунчилик даражасида жорий этилган, бунда қонунчиликдаги ҳар қандай қарама-қаршилик ва номувофиқ ўринлар тадбиркорлар фойдасига талқин қилиниши ўта муҳимдир. Шу боис мамлакатимизда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Чунончи, юртимизда кичик бизнес субъектларида улар рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб уч йил давомида режали солиқ текширувларини ўтказишни тақиқлайдиган ва кейинчалик барқарор фаолият юритаётган, солиқ қонунчилиги ҳамда тартиб-интизомга қатъий риоя қилаётган солиқ тўловчиларда текширувлар ўтказишни чеклайдиган тартиб жорий этилган.

Айниқса, 2005 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг рухсат бериш тизимидан хабардор қилиш тизимига ўтилгани бу борада муҳим аҳамият касб этди. Бугун тадбиркорга ўз бизнесини очиш учун икки кундан ортиқ бўлмаган муддат талаб этилади ва бу қоида ривожланган давлатларда амал қилаётган мезонларга жавоб беради.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-қувватлайдиган институционал ва бозор инфратузилмасини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Товар-хом ашё биржаси бозорда нархлар шаклланиши ҳамда юқори ликвидли хом ашё ресурслари ва товарларидан тенг фойдаланиш имкониятини яратишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда биржа савдоларининг изчил йўлга қўйилган механизми мавжуд бўлиб, у ҳар бир тадбиркорга хом ашё ресурсларидан биржа савдолари орқали тенг ва ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятини бераётир. Натижада мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 80 фоизи ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг камида 70 фоизи иқтисодиётнинг ушбу сектори улушига тўғри келмоқда. Бу, албатта, эътирофга лойиқ натижалардир.

Зеро, бу натижалар соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилиб, изчил такомиллаштирилиб борилаётганидан дарақдир. Хусусан, биргина ўтган йили тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат органларининг аралашувини чеклашга, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни шакллантиришга хизмат қиладиган 20 дан зиёд ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

"Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам ана шу мақсадларга

Дарҳақиқат, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг кучли ва ишончли кафолатларини яратиш катта аҳамиятга эгадир. Зотан, бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш масалаларини ҳал қилиш, аввало, шунга боғлиқдир. Бу борада мустаҳкам қонунчилик асосларини шакллантириш бўйича изчил олиб борилаётган ишларни давом эттириш, тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қила оладиган самарали назорат механизмларини жорий қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Қонун хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлат органларининг аралашувини камайтириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириб, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қўшимча ҳуқуқий механизмларни яратади. Шу билан бир қаторда, мазкур Қонун мансабдор шахс ва давлат органлари хизматчилари томонидан суиистеъмолликларнинг олдини олишга ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, иқтисодиётимизга инвестициялар жалб қилиш учун қулай шароит яратади.

Мазкур Қонун билан Жиноят кодекси хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи 206[1]-модда билан ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс эса ўша ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи 241[2]-модда билан тўлдирилди.

Ушбу Қонунга кўра, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш, яъни қонун ҳужжатларига мувофиқ, ваколатлари бўлмаган мансабдор шахс ёхуд бошқа шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қасддан текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) текширишлар ўтказиш, ушбу субъектларнинг фаолиятини ва (ёки) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги ҳақида ахборот тақдим этишни талаб қилганлик учун бундай шахсларга нисбатан нафақат маъмурий жавобгарлик, балки жиноий жавобгарлик ҳам белгиланди.

Мазкур Қонун тадбиркорлик субъектларининг хўжалик фаолиятига давлат органларининг иқтисодий зарар келтирадиган асоссиз аралашувига йўл қўймасликка, уларнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Б. МАМАЖАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Лекин бизнинг энг катта ютуғимиз боғланишга катта эътибор қаратаётганимиз, деб ўйлайман. Шу сабабли "ҳамиша тайёр" турган ҳолда, сайтдан фойдаланувчилар нимани хоҳлашаяпти, уларга қайси жиҳатлар маъқул ёки маъқул келмаяпти, сайтда нималарни яхшилаш керак ва такомиллаштириш зарур — ҳаммасини билиб борамиз.

# WWW.SOLIQ.UZ – ЭНГ ЯХШИ САЙТ

Олдимизга қўйилган устувор вазифалардан бири, бу — сайтимиз орқали ҳам жисмоний шахс, ҳам юридик шахс бўлган солиқ тўловчиларнинг барча тоифалари учун сифатли интерактив хизматларни кўрсатишга эришишдир. Дастлаб шундай хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган 2007 йилда улар саккиз турда бўлиб, асосан, солиқ тўловчилар учун Давлат солиқ қўмитасининг тузилиши, таркиби, вазифалари ва ваколатлари, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ўзаро ҳисоб-китоблар, хўжалик юритувчи субъектларни текшириш режа-жадвалидан кўчирмалар ва бошқалар ҳақида батафсил маълумот олиш имконияти яратилган эди. Ушбу йўналишдаги ишлар изчил ва доимий равишда олиб борилмоқда. Буларнинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг сентябрь ойида яна 6 турдаги интерактив хизматлар киритилгач, уларнинг умумий сони 22 тагача етди.

Биз фақат кўрсаткичлар кетидан қувмаяпмиз, балки таҳлил ва таклифларга биноан, энг талаб катта бўлган хизматларни яратмоқдамиз. Масалан, жорий йилда яратилган охирги интерактив хизматлар орасида "Солиқ низоларини кўриб чиқиш" хизмати кўпчиликка, айниқса, манзур бўлди. Ушбу хизмат ёрдамида ўта мураккаб ва мунозарали вазиятлар бўйича Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Экспертлар кенгашининг қарори ёки хулосасини билиш билан бирга, солиқ хизмати ходимлари томонидан ижро этилиши шарт бўлган ушбу қарордан унда кўриб чиқилган масалаларга ўхшаш муаммоларни ҳал этишда ҳам фойдаланса бўлади. Бошқа хизматлар хусусида ҳам шундай дейиш мумкин.

Мухтасар айтганда, юқори даражадаги профессионал ҳайъат аъзолари томонидан Давлат солиқ қўмитасининг веб-сайти юқори баҳоланганлигидан жамоамиз жуда мамнун. Лекин бу эътибор зиммамизга янада катта масъулият юклашини чуқур ҳис этиб турибмиз. Шундан келиб чиқиб, нафақат сайтдан фойдаланувчиларнинг ишончини оқлашга, балки унинг янада оммабоп ва илғор бўлишига ҳаракат қилаверамиз.

**Ойимхон НИҒМАТОВА.**

# Баркамол авлод тарбияси ва масъулият

*Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етук қилиб вояга етказиш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини таъминлаш учун барча ҳуқуқий-ташкилий шарт-шароит яратиб берилган. Чунончи, мазкур тамойиллар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, бир қатор қонунларида ҳамда халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган.*

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Замонавий ва мустаҳкам моддий-техник база ҳамда юксак салоҳиятли кадрларга эга ижтимоий инфратузилма объектлари, шу жумладан, таълим-тарбия муассасалари, спорт мажмуалари, маданият саройлари ана шу эзгу мақсадни изчил рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил этилган илмий-амалий семинарда шулар алоҳида таъкидланди.

Бола ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ижтимоий ҳамкорлигининг ўрни ва аҳамиятига бағишланган тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида навқирон авлод таълим-тарбияси бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга ошириш, бунда ижтимоий шериклик механизмидан унумли фойдаланиш, унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шубҳасиз, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоя, таклиф ҳамда қонунчилик ташаббуслари бу борада муҳим роль ўйнайди.

— Юртимизда бола ҳуқуқлари муҳофазасига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди қўмита аъзоси М. Тохтаева. — Бу борада эришилаётган ютуқлар жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда. Жумладан, "Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан тузилган дунё рейтингида Ўзбекистон болалар саломатлигини асраб-авайлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётган энг илғор ўнта давлат қаторига киритилди.

Семинарда фуқаролик жамияти институтларининг баркамол авлод тарбиясига кенг жалб этилаётгани демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Унда мавзуга доир фикр-мулоҳазалар билдирилиб, бу борадаги ҳуқуқий пойдеворни янада ривожлантиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилди.

**С. МАХСУМОВ.**

# Илғор технологиялар намойиши

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Тадбир асносида айни шу жиҳатлар эътиборга олиниб, турли семинарлар, маҳорат сабоқлари ва тақдимотлар ташкил этилиши мўлжаллангани меҳмонларнинг бу борадаги халқаро тажриба, жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг энг сўнгги ишланмалари ҳамда hi-tech янгиликлари хусусида батафсил маълумотга эга бўлишлари учун кенг имкониятдир.

Маълумки, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси республикамизнинг энг йирик телекоммуникация операторларидан саналади. Мазкур компания ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисига "Uztelekom", "Uzmobile" ҳамда "Uzonline" савдо белгиси остида мобиль ва овозли алоқа, шаҳарлараро, халқаро сўзлашув, интернет, видеоконференция, шунингдек, сифатли телекўрсатув ва радио эшиттиришлар сингари хизматларини замонавий стандартлар асосида тақдим қилмоқда.

— Кўргазмада айнан шундай янги хизматларимизни намойиш этаяпмиз, — дейди компания вакили Нодир Ёдгоров. — Замонавий мобиль телефонлари, юқори тезликка асосланган интернет хизмати, алоқалар сифатини яхшилаш ускуналари шулар жумласидан. Бундан ташқари, ҳозир республикамиздаги кўплаб ўқув даргоҳларига кўрсатаётган симсиз алоқа хизматларимизга ҳам иштирокчилар томонидан катта қизиқиш билдирилмоқда.

Шу билан бирга, галдаги кўргазмада ташкилотчилар томонидан Мустаҳкам оила йили муносабати билан оила аъзолари ўртасида ахборот алмашиш технологияларига ҳам алоҳида урғу берилгани диққатга сазовор.

Жорий йилнинг 28 сентябрига қадар давом этадиган Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги дастуридан "Ўзбекистонда интернет провайдингни ривожлантириш масалалари", "Сиёсий модернизация жараёнларида давлат ва жамият қурилиши тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг долзарб вазифалари" мавзуида давра суҳбатлари, "ICTExpo — 2012" миллий кўргазмаси ғолибларини тақдирлаш маросими, "ICT-Student" компьютер спорти бўйича универсиада ва "Болалар уйига — рақамли зал!" акциялари ҳам ўрин олган.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Ўзбек пахта толасининг довруғи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ярмарка қатнашчилари пахтани қайта ишлаш заводлари, инфратузилма объектларига ташриф буюриб, яратилган ушбу қулай тизим билан яқиндан танишадилар. Зеро, бугунги кунда мамлакатимизда 22 ихтисослаштирилган пахта терминали фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларда бир пайтнинг ўзида 400 минг тоннадан зиёд пахта толасини сақлаш мумкин. Кенг тармоқли логистика тизими шаклланган транспорт йўлаклари бўйича маҳсулотни дунёнинг энг чекка жойларига ҳам қисқа муддатда етказиб бериш имконияти мавжуд. Бу, ўз навбатида, пахта етиштирувчилар ва харидорлар ўртасида амалий муносабатларни янада мустаҳкамлаш, янги ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга хизмат қилаяпти. Эътибор беринг-а, 2005 йилда бўлиб ўтган биринчи ярмаркада дунёнинг 30 мамлакатидан қарийб 170 трейдер ва тўқимачилик компанияси қатнашган бўлса, ўтган йили 38 давлатдан пахта ва тўқимачилик соҳасида фаолият кўрсатаётган 330 компаниянинг 660 нафардан ортиқ вакили иштирок этди. Эътиборлиси, пахта етказиб бериш жуғрофияси кенгайиб, тўқимачилик саноати жадал ривожланаётган Жануби-Шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатларига ҳам ўзбек толаси етказиб берилмоқда.

Ўзбекистонда нафақат тола ишлаб чиқариш, балки тўқимачилик саноати ҳам жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда "Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси тизимида 270 дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар томонидан юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарилаяпти. Халқаро форумнинг иккинчи қисми эса уларни чет эллик харидорларга намойиш этиш, экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида тўқимачилик корхоналарида тайёрланган маҳсулотларни экспортга чиқариш бўйича қиймати 550 миллион АҚШ долларидан зиёд ҳажмдаги шартномалар тузилгани бунинг исботидир.

Бугунги кунда кенг ассортиментдаги тўқимачилик маҳсулотлари Европа, Осиё, Шимолий ва Жанубий Американинг 50 га яқин давлатларига экспорт қилинаётир. Натижада жорий йилнинг саккиз ойида умумий экспорт ҳажми 439,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бунда Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги "2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлди.

Бинобарин, мазкур ҳужжатда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш негизида экспортга мўлжалланган рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни сотиш бозорларини кенгайтириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларнинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар натижасида экспортчи корхоналар сафи тобора кенгайиб бораяпти. Айни пайтда республикамизда 180 та корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг 70 фоизи чет эллик харидорларга етказиб берилаётгани бунинг тасдиғидир.

VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида махсус ташкил қилинадиган кўргазмада мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари кенг кўламда намойиш этилади. Тақдимот давомида иштирокчилар соҳадаги имтиёз ва преференциялар, яратилган қулай инвестициявий муҳит, юқори малакали кадрларнинг мавжудлиги, банк-молия, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таништирилади. Шунингдек, "Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси ҳузурида ташкил этилган замонавий либослар моделларини яратиш дизайн-маркази томонидан ўзимизнинг матолардан тайёрланган ранг-баранг ва ўзига хос либослар намуналари тақдимоти ҳам уюштирилади.

Жаҳон пахта ва тўқимачилик саноати форуми бу гал ҳам йилнинг энг қулай вақти — пахта бозорида олди-сотди савдолари фаоллашадиган пайтда ўтказилаяпти. Бу пахта етиштирувчилар учун ҳам, уни қайта ишловчилар учун ҳам бирдек манфаатлидир. Шу боис Ўзбекистон пахта толасини сотиб олиш бўйича катта ҳажмда шартномалар имзоланиши кутилаяпти. Бунинг учун жаҳоннинг турли минтақаларидан ташриф буюрадиган бизнес тузилмалари учун барча шарт-шароит яратиб берилади. Улар жорий ва келгуси йиллар ҳосилидан тайёрланган ўзбек пахтаси харидини бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишлари мумкин.

Ярмарка қатнашчилари эътиборига мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ишлаб чиқарилган пахта навлари толасининг юзлаб намунаси ҳавола этилади. Сотувга қўйилган ҳар бир той пахта "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан берилган сертификатга эга бўлади. Товарнинг сифатли кўрсаткичлари билан танишиб, ўзига маъқулини танлаган буюртмачилар шу ерда шартнома имзолаши, уни етказиб бериш борасида келишувларга эришиши мумкин. Буларнинг барчаси аввалги пахта ва тўқимачилик ярмаркаларида эришилган муваффақиятларни, шу жумладан, чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлайди.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Нафосат ва маҳорат кўриги

*Кеча Тошкент Фотосуратлар уйида 4 — 9 октябрь кунлари “Art Week Style.Uz” санъат ҳафталиги доирасида ўтказиладиган VI халқаро Тошкент фотобиенналесига бағишланган матбуот анжумани бўлди.*

## Анжуман

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу танлов “Мен дунёда, дунё мендадир” шиори остида ташкил этилмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ барча соҳалар қатори маданият ва санъат жабҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган ишлар юксак самара бермоқда. Халқаро фотобиеннале ҳам истеъдодларни аниқлаш, қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлардан биридир.

Фотобиеннале давомида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги етакчи кўргазма заллари санъат ихлосмандлари учун ўз эшикларини очади. Айни пайтда тадбир бўлиб ўтадиган Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар зали, халқаро Маданият карвонсаройи ва бошқа маданият кошоналари иштирокчиларга мунтазир. Тадбир доирасида 28 нафар таниқли фотоусталарнинг шахсий кўргазмалари намойиши, шунингдек, илмий анжуманлар, маҳорат сабоқлари, санъат ва маданият саройларига экскурсиялар, концертлар, ижодий учрашув ва мулоқотлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

**М. ХОЛМАТОВА.**

# Транспорт тизими янада такомиллашади

*Кейинги йилларда мамлакатимизда автомобиль транспорти тизимини такомиллаштириш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, яқиндан бошлаб шаҳарлараро ва шаҳар атрофи йўналишларида фаолият кўрсатаётган автобусларда GPS тизимидан фойдаланиш йўлга қўйилгани ҳаракат хавфсизлигини ишончли таъминлаш имконини бераяпти.*

## Ҳамкорлик

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлигида Японияning “Nippon Koei Co., Ltd” компанияси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда ана шундай янгиликлар хусусида сўз борди. Унда Кунчиқар юрт вакиллари мамлакатимизда автомобиль транспорти соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга юқори баҳо бериб, Тошкент шаҳрида “Интеллектуал транспорт тизими”ни жорий этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Биз кўплаб давлатларнинг транспорт тизими фаолиятини яқиндан ўргандик, — дейди “Nippon Koei Co., Ltd” компанияси вакили Сатоши Ояма. — Ўзбекистонда эса бу соҳада эришилаётган ютуқлар эътирофга арзийди. Шу туфайли келажакда ҳамкорлик алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш ниятидамиз.

Учрашув давомида Японияда жорий этилган “Интеллектуал транспорт тизими” тўғрисида атрофлича маълумотлар берилди. Янги лойиҳа транспорт оқимини бошқаришни такомиллаштириш, транспортнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш, йўл-транспорт ҳодисалари сонини қисқартириш имконини бериши билан аҳамиятли эканлиги алоҳида қайд этилди.

Тадбир давомида соҳа ривожига оид бошқа муҳим масалалар юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар алмашилди.

**Алишер ЭРГАШЕВ.**

## 27 сентябрь — Халқаро сайёҳлик куни

*Сайёҳлик аксарият мамлакатлар учун шундай беқиёс соҳалардан бирики, у иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини жадаллаштириш, хорижий валюталарни кенг жалб қилиш, қўшимча иш ўринларини ташкил этиш, шунингдек, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш каби ўта долзарб масалаларнинг ижобий ечим топишида муҳим роль ўйнайди.*

### Туризм:

# Имконият ва тараққиёт

Дунё бўйича сайёҳликни тарғиб қилиш, соҳа аҳамиятини жамоатчиликка атрофлича тушунтириш, давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг 1979 йил Торремолино (Испания) шаҳрида ўтказилган Бош ассамблеясида 27 сентябрь — Халқаро сайёҳлик куни, деб эълон қилинган. 1980 йилдан бошлаб ушбу сана халқаро миқёсда кенг нишонлаб келинади. Дарвоқе, ҳар йили шу муносабат билан ташкил этиладиган турли тадбир ва фестиваллар маълум бир шиор остида ўтказилади. Масалан, 2012 йил учун “Туризм ва барқарор энергетика” шиори танланган. Бундай номлар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, сайёҳликни янада ривожлантириш, бу борадаги муаммоларга ечим топиш юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашинилади, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Мутахассислар фикрича, сўнгги 50 йилда дунё миқёсида туризм саноати бошқа соҳаларга нисбатан фаол ривожланиб, хизматлар бозорида етакчи ўринга чиқиб олди. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, ушбу асрда сайёрамиз бўйича сайёҳлар сони қарийб уч баробарга ортади. Бир турист сарфлайдиган ўртача маблағ миқдори эса икки карра ошади. Албатта, бундай тахминлар, башоратлар жуда кўп. Лекин халқаро бозордаги номутаносиб шароит баъзан ана шундай қарашларнинг амалда ўзини оқлашига имкон бермайди ёхуд барқарорликка салбий таъсир кўрсатади. Гап шундаки, 2008 йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз туризм соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Кўплаб давлатлар аҳолисининг ишсизлик, маблағ етишмовчилиги каби муаммолар билан рўбарў келиши ўз-ўзидан улардаги саёҳат иштиёқини ҳам сусайтирди. Натижада авиакомпанияларда йўловчилар ташиш ҳажми пасайиб, сайёҳлик компаниялари хизмат кўрсатадиган мижозлар сони камайди. 2009 йилда жаҳон бўйича туризмдан олинадиган даромаднинг 6 фоизгача тушиб кетгани ана шу омиллар билан боғлиқ.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти, иқтисодиётида туризм соҳаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қатор давлатлар ҳукуматлари вазият янада кескинлашмаслиги учун тезкор чора-тадбирлар кўришга киришди. Мисол учун, одамларда дам олишга бўлган қизиқишни орттириш мақсадида арзон нархларда самолёт чипталари, саёҳат йўлланмалари, меҳмонхоналар таклиф қилинди, хизмат кўрсатиш тармоқларида қўшимча имтиёзлар жорий этилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самараларини ҳам бера бошлади. Хусусан, 2010 йилда дунё бўйича сайёҳлар сони 3 фоиздан зиёдроқ кўпайган бўлса, 2011 йилда мазкур кўрсаткич 4 фоиздан ошди. Жорий йилнинг дастлабки икки ойида эса ўсиш суръатлари 5,7 фоизни ташкил қилди.

Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган, ўзининг ноёб тарихий обидалари, бетакрор маданияти ва анъаналари, табиати билан сайёҳларни тобора ўзига жалб этаётган Ўзбекистон ҳам истиқлол туфайли ушбу халқаро бозорнинг муҳим вакилига айланди.

> Юртбошимиз раҳнамолигида мазкур соҳа ривожи учун ҳам моддий, ҳам маънавий эътибор кучайтирилди. 1992 йилда “Ўзбектуризм” миллий компанияси ташкил этилди. 1993 йилда мамлакатимиз Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо бўлди. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни, Президентимизнинг “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги Фармони ва бошқа ҳужжатлар соҳа тараққиёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Юртимизда замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари сони тобора кўпайиб, уларда сервис хизмати яхшиланиб бораяпти. Янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилаётгани, транспорт коммуникация тизими халқаро стандартлар даражасига келтирилаётгани соҳа ривожига, мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳлар сонининг ортишига замин яратмоқда. Айтайлик, Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида “Афросиёб” тезюрар электропоезди қатновининг йўлга қўйилгани бу борадаги имкониятларни янада кенгайтирди.

— Ўзбекистонда туризмнинг изчил ривожланиши, аввало, бу ердаги тинчлик ва хотиржамлик билан боғлиқ, — дейди юртимизда меҳмон бўлган АҚШнинг “M.I.R. Corp.” сайёҳлик компанияси президенти Дуглас Граймс. — Шаҳарлар ўртасида замонавий тезюрар поезд қатновининг йўлга қўйилгани мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигидан далолат беради ва сайёҳликни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилаётганини тасдиқлайди. Ўз олдига юксак мақсадларни қўйган Ўзбекистон туризм соҳаси учун билимли, заковатли кадрларни ҳам тайёрламоқда. Улар кучидан фойдаланиб, янгидан-янги марраларни забт этишингизга ишончим комил.

Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги 5 та олий таълим муассасаси ва 7 та касб-ҳунар коллежида мазкур йўналишда мутахассислар тайёрланаяпти.

Ўзбекистонда сайёҳликнинг экотуризм, экстремал каби турлари ҳам изчил ривожланаётир. Масалан, тоғли ҳудудларда чанғи спорти учун яратилаётган шарт-шароитлар хорижлик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Натижада йилнинг тўрт фаслида ҳам туристларни жалб этиш имкониятлари кенгайиб бормоқда.

“Ўзбектуризм” миллий компанияси маълумотларига кўра, 2011 йилда республикамизда 1 миллиондан ортиқ чет эллик ва маҳаллий туристларга хизмат кўрсатилди. Бу аввалги йилги натижалар билан таққослаганда, 5,4 фоизга кўпдир. Жорий йилнинг ўтган олти ойида сайёҳлик хизматининг ўсиши 22,8 фоизни ташкил қилди. Айни пайтда меҳмонхоналар, хорижлик сайёҳларга сервис хизмати кўрсатадиган объектлар барпо этиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Ушбу жараёнда шаҳарлараро йўллар инфратузилмасини яхшилаш, янги транспорт воситаларини фойдаланишга қўйиш масалалари ҳам алоҳида эътиборга олинган.

1995 йилдан буён мамлакатимизда мунтазам равишда “Буюк Ипак йўли туризми” халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси ўтказиб келинади. Бундай нуфузли тадбирни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан яқиндан таништириш, хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборатдир. Ушбу ярмаркада қатнашиш истагини билдираётган давлатлар сонининг йилдан-йилга ошиб бораётгани чет элликларнинг юртимизга бўлган қизиқишидан далолат беради.

Ўтган йилнинг октябрь ойида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Жанубий Кореяда бўлиб ўтган 19-сессиясида Европа минтақавий гуруҳи томонидан Ўзбекистон 2011 — 2015 йиллар давомида мазкур ташкилотнинг Ижроия кенгаши аъзолигига сайланди. Бу мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди.

Мухтасар айтганда, бундай саъй-ҳаракатларнинг барчаси туризм соҳасининг иқтисодиётимиздаги улушини оширишга, пировардида халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилади.

**Ш. ЗОКИРЖОНОВ.**

● Реклама ва эълонлар ●

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сурхондарё вилояти филиали

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!*

**Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2012 йил 23 январдаги ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, «Жалоир» ҚФЙ, Боболочин маҳалласи ҳудудида жойлашган, ер майдони — 1388,0 кв.м. бўлган, 2004 йилда қурилган, 11 хонадан иборат, 1 қаватли савдо дўкони ва ҳаммом биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 37 500 000 сўм.***

**2.** ЖИБ Қумқўрғон тумани судининг 2012 йил 28 сентябрдаги 1-189-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, Нефтчилар маҳалласи, 3-кичик даҳа, 7-уй, 4-хонадон манзилидаги умумий фойдаланиш майдони 57,33 кв.м. бўлган, 1970 йилда қурилган, 2 хонадан иборат, 2-қаватда жойлашган уй-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 30 693 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 30 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача).

Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 26 октябрь куни соат 18.00.

Шунингдек, аукцион савдоларига Шеробод тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2008 йил 23 июндаги 19-0804-2835-сонли ва 2010 йил 17 майдаги 19-1007/6418-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, «Таллашқон» ҚФЙ, Бойқишлоқ маҳалласи ҳудудида жойлашган, «Пахтаобод техник муҳандис» ММТПга тегишли, майдони — 158,46 кв.м. бўлган, 1 қаватли, жами 6 хонадан иборат А ва Б литердаги дала шийпони биноси бир қисми ошхона айвони билан арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 9 387 450 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 16 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00гача қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача).

Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 12 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КМСХ» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вил., Термиз ш., Ф. Хўжаев к., 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Тел.: (8-376) 227-57-94. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1619R/1441

Бухоро вилояти ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси

**фармацевтика фаолиятига лицензияси бўлган ва ўрнатилган тартибда қайд этилган фирма ҳамда ишлаб чиқарувчиларни қишлоқ врачлик пунктларига марказлашган ҳолда дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивлар сотиб олиш учун 2012 йил 25 октябрда ўтказиладиган очиқ тендер савдоларига таклиф қилади.**

**Банк реквизитлари:**
ҳ/р: 400121860064017950100054034,
СТИР: 201512148, ОКОНХ: 97400.
Бухоро вилояти ғазначилик бошқармаси
ҳ/р: 23430200030010000l010, Тошкент ш.
Марказий банк, МФО: 00014, СТИР: 201122919.
Тел.: (+99865) 223-11-08, 223-03-15.
Факс: (+99865) 223-06-16, 223-38-10.
E-mail: bukhara@med.uz

Тендер таклифларини тендер комиссиясининг ишчи гуруҳига қуйидаги манзил бўйича юборишингиз сўралади:

**Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Абдуҳолиқ Ғиждувоний кўчаси, 7-уй, Бухоро вилояти ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси.**

**Тендер иштирокчилари ишчи гуруҳига ўз таклифларини тегишли ҳужжатлар билан конвертга солиб, 2012 йил 18 октябргача тақдим қилишлари лозим.**

1620R/1135

Том маркази

«STIL INVEST SERVIS»

☑ **металлочерепица** (2 вида, металл производства России)
☑ **профнастил** (гофр-0.17, 0.22, 0.35)
☑ **аксессуары для любых типов кровли**
☑ **вентиляционные системы**



**Форма оплаты — любая.**

E-MAIL: TOMMARKAZI@MAIL.RU
ТЕЛЕФОН: 300-09-05. ФАКС: 228-55-93.

*Производим монтаж любых типов кровли.*

Товар сертифицирован. *Гувоҳнома № 003528-01.* 602A/385

Кимошди савдоси

**Эрон Ислом Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси**

**1998 йилда ишлаб чиқарилган ТОЙОТА ЛЕНД КРУИЗЕР русумидаги автомашинани сотади.**

***Машинани иш кунлари соат 9.00 дан 12.00 гача элчихонада кўриш мумкин. Сизнинг таклифларингиз ёпиқ конвертларда қабул қилинади.***

**Телефонлар: 150-60-50, 150-60-65.**

1615R/1120

ТАРОЗИЛАР

Micros
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

**0,0001 гр. дан 250 тоннагача**



CAS
Корпорацияси (Жанубий Корея)

МАССА-К
Акциядорлик жамияти

**Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис**

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65; www.micros.uz;
- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: (+99871) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50. e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

1500R/770

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02

HYUNDAI NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.



TUCSON

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**DONGNAM UZ MOTORS**

Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99.
www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

1121R/101

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)



**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

03R/97

## 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни



*Мусиқий тарбиянинг ёш авлод камолотидаги ўрни беқиёс. Шу боис Шарқ мамлакатларида қадимдан мазкур санъат тури юксак қадрланади, бу соҳада самарали ижод қилаётган истеъдод эгаларига алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилади.*

*Истиқлол йилларига келиб, санъатга иштиёқманд ёшларнинг иқтидорини камол топтириш, юзага чиқариш ҳамда қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бирига айланди. Хусусун, Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори соҳани ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди.*

# Мусиқа сеҳри



Хусусан, Хоразм вилоятида ҳам мазкур ҳужжат асосида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Учта мусиқа ва санъат мактаби янгидан бунёд этилиб, олтитаси капитал реконструкция қилинди. Бу эзгу мақсадлар рўёби учун 12 миллиард 212 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Урганч шаҳридаги 24-сонли ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби ҳам ана шундай илғор ўқув муассасаларидан бири. Таълим маскани биноси мукаммал таъмирдан чиқарилгач, у бутунлай янгича қиёфа касб этди.

— Келажагимиз ворислари камолоти йўлида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатларга жавобан биз, педагоглар ҳам таълим-тарбия ишларига масъулият билан ёндашишимиз лозим, — дейди мактаб директори Зарипбой Ибрагимов. — Зеро, юртимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнати юксак қадрланмоқда, ҳурмат-эҳтиромга лойиқ кўрилмоқда. Шундай экан, ёшларни тарбиялаш, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш зиммамиздаги муқаддас бурч, шарафли вазифадир.

Дарҳақиқат, ўқув даргоҳида илғор педагогик технологиялар асосида олиб борилаётган таълим-тарбия жараёни ўз самарасини бераётир. Натижада, мактаб ўқитувчилари ҳамда ўқувчилари республика ва халқаро миқёсда ўтказилаётган турли кўрик-танловлар, фестивалларда юқори ўринларга эришмоқда. Жумладан, тасвирий санъат фани бўйича моҳир педагог Ширин Жумабоева ўтган йили "Йил ўқитувчиси" республика кўрик-танловининг ғолиби деб топилган бўлса, 8-синф ўқувчиси Сарвар Йўлдошев 2010 йили Туркманистонда бўлиб ўтган халқаро фестивалда эстрада йўналиши бўйича олий ўринни эгаллади. 2011 йилда "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичида мактабнинг "Гулжабин" рақс жамоаси ҳамда 9-синф ўқувчиси Собиржон Собиров олий ўринни, "Аъло" дуторчилар жамоаси биринчи ўринни, ака-ука Муҳаммад ва Камронбек Эркинбоевлар мақом йўналиши бўйича фахрли ўринни қўлга киритишди. Жорий йилда ҳам даргоҳ ёшлари чет давлатларда бўлиб ўтган бир қатор нуфузли беллашувларда муваффақиятли иштирок этиб, санъатимиз довруғини дунёга ёйишга муносиб ҳисса қўшдилар.

> Ҳозир бу ерда 645 нафар ўғил-қиз санъатнинг 21 тури бўйича таҳсил олмоқда. Уларга 67 нафар моҳир устоз-мураббий сабоқ бераётир. Мактабнинг 7713 та китоб фондига эга кутубхонаси ёшлар ихтиёрида. Ўқувчилар дарсдан бўш вақтларида 30 та ижодий тўгарак машғулотларида ҳам қатнашадилар.

Албатта, бу давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида жойларда фаолият юритаётган мусиқа ва санъат мактаблари фаолияти янада яхшиланиб, иқтидорли ёшларни камол топтириш борасида имкониятларимиз кенгайиб бораётганидан далолатдир.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# Прагада замонавий Ўзбекистон санъати кўргазмаси

*Яқинда "Замонавий Ўзбекистон санъати" деб номланган бадиий кўргазма Чехия пойтахти жамоатчилигининг эътиборига тақдим қилинди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги ҳамда Ўзбекистон ва Чехия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган ушбу маданий тадбир Чехия — Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ва мазкур давлатдаги "Aero Trade" компанияси томонидан ташкил этилди.*

## Биз ва жаҳон

Ўзбек рассомлари Гулзор Султонова, Юлдуз Фарруҳзода ҳамда бошқа юртдош мўйқалам соҳибларимиз ижодига мансуб ҳайкалтарошлик ва графика санъати намуналари ушбу бадиий кўргазма пештахталаридан жой олди. Кўргазманинг расмий очилиш маросимида Чехиянинг ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, маданий-гуманитар доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

**Прага-Летняни шаҳар округининг мэри Ондрей Лненичка** тадбирни очар экан, Чехия халқи Ўзбекистоннинг санъати ва маданиятини юқори баҳолашини алоҳида қайд этди. "Ушбу кўргазма шарофати билан Прага шаҳри аҳолиси ёш ва иқтидорли ўзбек рассомларининг ижоди билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар", деди у.

О. Лненичка узоқ йиллардан буён Чехия ва Ўзбекистонни дўстона алоқалар боғлаб келаётгани ҳақида тўхталаркан, ушбу бадиий кўргазма сингари маданий тадбирларнинг тез-тез ўтказилиши икки мамлакат халқларининг янада яқинлашувига, бири-бирини ўзаро тўғри тушуниши ҳамда ҳамкорлик тараққиётига хизмат қилажагини таъкидлади.

**"Aero Trade" компанияси бош директори Зденека Прокопанинг** фикрича, санъат ва маданият ҳамиша турли соҳалардаги самарали ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий калити бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. У Чехия ва Ўзбекистоннинг маданият соҳасидаги алоқалари мамлакатлараро турли жабҳалардаги яқин ва ўзаро ишончга асосланган ҳамкорликни янада рағбатлантиришини қайд этди.

З. Прокопа ўзи фаолият кўрсатадиган компания Ўзбекистонда муваффақиятли иш олиб бораётгани ҳақида сўзлар экан, нафақат иқтисодий йўналишда, балки маданият ва санъат соҳасида ҳам ўзбекистонлик шериклар билан яқин муносабатлар йўлга қўйилганини маълум қилди. "Бу йўналишдаги ўзаро ҳамкорлигимиз доирасида ҳозирги пайтда иккита янги лойиҳа устида ишлаяпмиз, — деди у. — Жумладан, чех ёзувчиси Ярослав Гашекнинг "Жасур аскар Швейкнинг саргузаштлари" романини ўзбек тилига ўгириш ҳамда буюк ўзбек шоири Алишер Навоий асарларининг бадиий тўпламини бизнинг она тилимизга таржима қилиш устида иш олиб бормоқдамиз".

Бадиий кўргазма доирасида Ўзбекистон иқтисодий ва сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг замонавий тараққиёти, бой тарихий-маданий мероси, бетакрорлиги билан дунёда донг таратган саёҳат марказлари, таклиф қилинаётган сайёҳлик йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

**«Жаҳон» АА.**
Прага

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 8 СЕНТЯБРДАН 21 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2012 йил 21 августдаги 8, 48, 60-сонли қарори.*

**2012 йил 10 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2388 (2012 йил 20 сентябрдан кучга киради).**

2. «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 28 июлдаги 22/2, 57, 2012-24-сонли қарори.*

**2012 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-1 (2012 йил 24 сентябрдан кучга киради).**

3. «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 18 августдаги 24/11-сонли қарори.*

**2012 йил 19 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-4 (2012 йил 29 сентябрдан кучга киради).**

4. «Хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки тан жароҳати олган ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларига бир йўла тўланадиган нафақани тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 21 августдаги 118-сонли буйруғи.*

**2012 йил 19 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2390 (2012 йил 29 сентябрдан кучга киради).**

5. «Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2012 йил 22 августдаги 848-сонли буйруғи.*

**2012 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1550-3 (2012 йил 1 октябрдан кучга киради).**

6. «Юк автотранспорт воситаларини «Қамчиқ» довонидан ўтиши ва ҳаракатланиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2012 йил 3 августдаги 28, 5-сонли қарори.*

**2012 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2391 (2012 йил 1 октябрдан кучга киради).**

7. «Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Халқ банкининг 2012 йил 29 августдаги 49, 63, 225, 08-10/234-сонли қарори.*

**2012 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1112-2 (2012 йил 1 октябрдан кучга киради).**

8. «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2012 йил 21 августдаги 47-Б-сонли буйруғи.*

**2012 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 402-7 (2012 йил 1 октябрдан кучга киради).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорини ўзгартириш тўғрисида»ги қарор *(рўйхат рақами 2308, 2012 йил 4 январь). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2012 йил 10 сентябрдаги 196-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**


## «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2012 йил 18 сентябрдаги 713-сонли буйруғига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига тегишли, Тошкент шаҳри Я. Ғуломов кўчаси, 39-«А» уйда сақланаётган, «Toyota Land Cruiser» русумли, давлат рақами — 01 522 ААА бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 35 232 087 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 29 октябрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — соат 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 26 октябрь куни соат 18.00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 29 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 5 ва 12 ноябрь кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 5 ноябрдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 2 ноябрь куни соат 18.00, 12 ноябрдаги савдолар учун 9 ноябрь куни соат 18.00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли банки» «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-А» уй. Телефон: (8-371)228-79-52.**

1621R/1442

Сертификатланган

SUVMASH
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

www.tuv.com TÜVRheinland Zn.: 7510060083 ISO 9001:2008 Certifed Management System

НАСОСЛАР
тайёрлайди ва таъмирлайди

"ЭЦВ" РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
"Д" РУСУМЛИ ЁТИҚ
"К" РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
"НК" НЕФТЬ НАСОСЛАРИ
НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ
шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.

"Д" "А40ГЦ" "НК" "ЭЦВ" "К" "СНЭ"

**Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 13.**
**Тел.: (+99871) 295-13-00, 295-06-35, 295-06-37, 295-19-08. Факс: (+99871) 295-51-08.**
**E-mail: office@suvmash.uz; suvmash@mail.ru sales@suvmash.uz www.suvmash.uz**

622R/460

## СОТАМИЗ:

- **ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ*** 15 кВтдан 2000 кВтгача
- **БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР** 100 кВтдан 5000 кВтгача
- **НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*:** турли хил ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
- **ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.**

*Буюртма бўйича.*
** Маҳсулот сертификатланган.*

**Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.**
**Моб.тел.: (+99890) 900-70-86, (+99894) 932-45-64, (+99891) 777-32-48.**
**e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com**

836R/566


## ОБ-ҲАВО (27 сентябрь)

| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +10 +15 | +25 +30 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +10 +15 | +26 +31 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +10 +15 | +26 +31 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +11 +16 | +27 +32 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +10 +15 | +25 +30 |
| Тошкент шаҳрида | +11 +13 | +28 +30 |



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Тўра Абдуллаевич Назаровга волидаи муҳтарамаси **НОЗИК аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шерзод Файзиевга падари бузруквори **Мираглам ФАЙЗИЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси Суғурта назорати Давлат инспекцияси бошлиғи О. Г. Икромовга онаси **МАҲБУБА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси вазирликнинг Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бошлиғи Сарвархон Бузрукхоновга онаси **ФАЗИЛАТХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## ● Реклама ва эълонлар ●


## СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиғини тўлаш муддатлари ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

**Шундай экан, мол-мулк ва ер солиғини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!**

1616R/1133



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 66 079 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5